

Бутунлай янгича жамият куриш учун янгича фикрлайдиган, янгича дунёқарашга эга бўлган авлодни камолга етказиш керак. Худди шу мақсадда республикамизда 1997 йилда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши таълим сифатини юқори поғонага кўтарди. Бу борада туманимизда ҳам бир қатор эзгу ишлар қилинди.

Таълимдаги ислохотларнинг асосий гоёсига мувофиқ, энг аввало, умумий таълим муассасаларининг моддий-техникавий негизини мустақамлашга эътибор кучайди. Муаммоларни изчиллик билан ҳал этишга қаратилган тadbирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Хар ойнинг охириги шанбаси «Таълим ва тиббиёт кунин» деб эълон қилиниши шундай тadbирлардан биридир. Шу кунни ҳоми ва оталик ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари, отаналар вакиллари мактабга келиб, бирор муаммони ҳал этишга амалий ёрдам беришади. Хозирга қадар туманининг «Ўзбекистон», «Наврўз», Ш.Рашидов

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

рини қўллаш борасида илгор тажрибалар мавжуд. Мактаб ўқитувчиларидан 23 нафарининг илгор педагогик тажрибаси чуқур ўрганилди. Улардан 10 нафарининг

ҳам тарбиявий аҳамияти катта. Ўқувчилар соғлом бўлсагина теран фикрлай олади. Бундан ташқари ўз-ўзини бошқарув тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жа-

моқда. Шу ҳисобдан мактаблар молиявий муаммоси қисман ҳал этилмоқда, ўқитувчиларга имкон қадар кўмаклашилмоқда.

Шаҳс камолотида бошланғич таълимнинг, мактабга тарбиянинг аҳамияти бекиёди. Туманда 50 та мактабга таълим муассасаси бор. Шундан 4 таси боғча-мактаб мажмуасига айлантирилган. Мазкур масканларда тарбияланаётган болаларимиз ўз она тиллари ва хорижий тилларни, бошқа фанлар ҳамда компьютер асосларини қониқарли ўзлаштиришапти. Қисқаси, ўзлигини ва ҳуқуқини англайдиган, эл-юрт қадрига етадиган, Ватан равнақида ҳисса қўша оладиган шахсни тарбиялаш бош вазифамиздир. Таълим ислохотининг моҳияти ҳам ана шу!

Мусаввара ЖУМАЕВА, Самарқанд тумани халқ таълими бўлими мудирини.

Пойтахтнинг «Туркистон» саройида Ўзбекистондаги ҳусусий кичик корхоналар ҳамда республикамизда фаолият кўрсатётган хорижий фирмалар ва компанияларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўрик-танлови ўтказилди.

МАҲСУЛОТЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

Тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун мамлакатимизда яратилган зарур шарт-шароитлар истеъмол бозорини хориждан келтирилган юқори сифатли моллар ўрнини босадиган маҳсулотлар билан тўлдирish имконини яратмоқда.

Хорижий сармояларни жалб этиш, илгор технологияни жорий этиш йўли билан ривожлантирилаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилаётган сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар республикамиз бозорларида тобора ўз ўрнини топиб бораётди. Шу билан бирга республикамизда жаҳондаги номдор фирма ва компанияларнинг вакиллари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Уларнинг маҳаллий ҳомашедан фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ўзимизда ҳам, хорижда ҳам харидориги бўлмоқда. Кўрик-танловда ана шундай фирма ва компаниялар ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

ШАҲС КАМОЛОТИ

Ўзлигини ва ҳуқуқини англаган янглишмайди

номли ширкат ҳўжаликларидаги 67-, 41-, 65-мактабларнинг янги бинолари фойдаланишга топширилди. 8-мактаб биноси, курилмоқда. Бир қатор мактабларни тубдан қайта таъмирлаш учун 18 миллион сўм сарфланди. Деярли барча мактаблар янги жиҳозлар, компьютерлар билан таъминланди. Буларни Дастур доирасида эришилган натижалар дейиш мумкин.

Аммо асосий вазифа таълимда сифат ўзгаришларига эришишдир. Туманимизда таълимни янгича ташкил этиш, ноанъанавий дарс усулла-

тажрибаси туман ва вилоят миқёсида оммалаштириш учун тавсия этилди. Бундан ташқари, таълим сифатини яхшилаш, янгиликларни тарғиб қилиш мақсадида турли фанларни ўқитиш бўйича ўттизга яқин семинар ўтказилди. Мактаб ўқувчиларининг турли миқёсдаги фан олимпиадаларида эришаётган ютуқлари, олий ўқув юрталарига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшираётгани ўқитувчиларимиз ишининг самарасини белгилай олади. Жисмоний тарбия ва спорт тadbирларининг

моат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораёмиз. Натижада ўқувчилар ўз ҳуқуқлари ва бурчлари, эл-юрт олдидаги масъулиятларини чуқурроқ англамоқдалар.

Туманимизда ҳокимлик ва корхоналар ҳисобидан мактабларга, муҳтож ўқитувчиларга амалий ёрдам кўрсатилаётди. Ҳомийларнинг ёрдамига кўз тикиб қолганимиз йўқ. Мактабларнинг спорт залларини ижарга бериш, томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш эвазига кўшимча даромад олин-

Бир пайтлар Амир Темур номли жамоа ҳўжалиги нафақат Баҳористон туманида, балки Қашқадарё вилоятида пешқадам жамоалардан бири саналарди. Лекин кейинги пайтларда қолоқликка тушиб, йилни зарар билан яқунлайдиган бўлиб қолди. Шинам турар-жойлар пугурдан кетиб, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, мактаб ва боғча эътибордан четда қолди. Моддий манфаатдорлик бўлмагач, жамоа аъзоларининг ҳам қўли ишдан совиб, ҳар ёққа тўзиб кетди.

Минг қўшчиға бир бошчи деганлари рост экан. Ҳўжаликка ёш, аммо катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган раис сайланди-ю, одамларда жонланиш пайдо бўлди. Одамлар хо-

ҳиши инobatга олиниб, даставвал деярли издан чиққан ҳаммом таъмирлаб, ишга туширилди. Ҳаммадан ҳам унинг бепуллигини айтмайсизми! Бу ердаги сартарошхона, этикдўзлик ва чойхона хизматидан «Шодлик» қишлоғи аҳолиси баҳраманд. Ҳаммом билан бевосита бир жойда жойлашган маиший хизмат тармоқлари одамлар оғирини енгил, мушкулни осон қилаётди. Ҳўжалик марказидаги Айтмат Раҳимов номли мактаб ўқувчилари иссиқ хоналарда ўқинмоқда.

— Ҳўжалигимиз буюк саркарда Амир Темур номи билан аталади ва

биз худди шу номда боғ барпо этиш учун жой ҳозирлаб қўйдик. Келгунсиз бу ерда дам олиш маскани ташкил этилиб, соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилади, - дейди янги раҳбар Даврон Отахонов. — Одамларга қулай шарт-шароит яратмасдан туриб, ишни тўғри ташкил қилиб бўлмайди. Икки хонали пешайвонли дала шийпонини куриш учун лойиҳа ҳўжатлари тайёрланмоқда.

Бу ерда спортни ривожлантириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлари ҳам ташкилдан жоиз. Кунлар иссиши биланқоқ ҳашар йўли билан ўйингоҳ курилиши бошлаб юборилди.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Янги ахборот жамғармаси

Тошкент давлат техника университетида «Инфо-мадаккор» деб номланган янги жамоатчилик жамғармасининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Ахборот технологиялари соҳасида кўшимча билим олишда бепул хизмат кўрсатиш ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг маърифат ишларини ахборот орқали қўллаб-қувватлаш жамғарма вазифасига киради.

Тошкент давлат техника университети, «Маҳалла» республика жамғармаси, «Компьютер Осие» кичик корхонаси, республиканин олий ўқув юрталари ва жамоатчилик ташкилотлари уюшма таъсисчилари ҳисобланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳам «Инфо-мадаккор» жамғармасини ташкил этишни фаол қўллаб-қувватлади.

Янги жамғарма Тошкент давлат техника университети ўқитувчиларининг «Ахборот ва бошқарувни қайта ишлаш компьютер тизими» кафедраси ҳузуридаги ташаббус гуруҳи томонидан ташкил этилди. У Ўзбекистон Очiq жамият институти «Кўмак жамғармаси» гранти бўйича олинган маблағлар эвазига август ойида очилган Интернетда ишлашга ўқитиш марказ ҳузурида тузилди. Ушбу марказ бугун 15 та базавий компьютер, керакли таъминот дастури ва хизмат кўрсатувчи техникага эга. Бу ерда 650 нафар киши -Тошкент давлат техника университети ўқитувчи ва талабалари, Тошкент давлат тиббиёт институтининг тиббиёт-педагогика уюшмаси илмий ходимлари, пойтахтдаги бошқа ўқув ва илмий муассасалар мутахассислари таълим олди.

Янги моддий-техника базага, тажрибали педагог-қадрларга эга бўлган техника университети Тошкентнинг яқин жойлашган туманларидаги маҳалла кўмиталари ва жамоатчилик ташкилотлари билан аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларни ўтказишда мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Интернет орқали бутун жаҳондан кенг қўламли ва хилма-хил ахборотга эга бўлган мазкур ўқув маркази фаолияти уларда катта қизиқиш уйғотаяпти.



ЖАҲОН БОЗОРИГА

Ангрндаги «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин кўпайтириб борапти.

Жамият маҳсулотларининг асосий харидорлари — енгил, кимё, озик-овқат ва машинасозлик саноати корхоналари. Шунингдек, кейинги йилларда уларнинг сафига Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, ўнлаб кондитер фабрикалари, ёғ-мой комбинатлари, тўқимачилик корхоналари ҳам қўшилмоқда. Жамоа маҳ-

сулот сифатига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис «Қобул-Ўзбек», «Тўйқуч», «Попфейн», «Айлин», «Санвайн» каби кўшма корхоналар ҳам унинг буюртмачисига айланяпти. Айни кунда корхонанин 500 га яқин доимий миждози бор.

Суратларда: илгор ишчи Назирхон Усмонов; тайёр маҳсулотлар ўз харидорларини кутмоқда.

Д.ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Сайхунобод Мирзачўлдаги ўзига хош минтақа. Туман аҳли тadbиркорлик йўналишида ҳам воҳадаги етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Аммо кейинги пайтларда тadbиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Ўтган давр ичида вилоят адлия бошқармасига туман ишбилармонларидан 27 та ёзма, 18 та озгаки шикоятлар тушди. Биргина 19 ноябр кунини ҳуқуқ муҳофазачиларига бир йўла 4 та ана шундай аризани қайд қилишга тўғри келди. Наҳотки, туман мутасаддилари худуд миқёсидаги масалаларни адолатли ҳал этишга жиддий қиришмаётган бўлишса? Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тadbиркорлар мурожаатларининг деярли барчаси улар фойдасига ҳал бўлиб маънавий зарарлар салмоғи бир неча миллион сўмлаб маблағларни ташкил этаётди.

Туманда ер олиб, ўзини дехқонликда синаб кўришни хоҳ-

мудир Зокир Отабоев. — Аризачи талаби қондирилди. Мутасаддилар лоқайдлигига барҳам берилди. Аммо бизни ўйлантирган бошқа манзараларга ҳам дуч келдик. У ҳам бўлса, ҳўжаликдаги энг унумдор ерлар раҳбарлар ва мутахассислар қариндош-уруғларига

Жумладан, «Пахтакор» ширкатлар уюшмасидаги «Зиёд» фермер ҳўжалиги аъзолари ана шундай ноҳақлик азобини чекишди. Тadbиркорлар туман ҳокимининг 2000 йил 9 октябр 670-сонли қарорига асосан жорий йил учун 16 гектар ер майдонига бугдой, 26,1 гектарга пахта

фермер ҳўжалиги негандир Ҳўроз Ашуровнинг «марҳамати»дан четда қолди. Уларга қонуний ишни бажаришга тўсқинлик кўрсатилди. Қимматли дамлар эса ўтиб борарди. Чорасиз қолган фермер ўтган йилнинг 26 ноябр кунини «Бахт» дехқон бозоридан 240 минг сўмга буг-

СУНЬИ ЧЕКЛАШ...

У қандай оқибатларга олиб келди?

Тақсимланганидир. Ерга муҳтож, серфарзанд оилалар Умрзоков сингари овора-юсарсон қилинмоқда. Энг ачинарлиси, бу иллат биргина Сайхунободда эмас, балки кўплаб ҳўжаликларда палак отаётганида.

Тadbиркорлик иктисодий ислохотларимиз мевасидир. Лекин, ишбилармонлар манфаатини, ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш кеचириб бўлмас хатоликдир.

доё олиб екишга мажбур бўлди. — Бошқа чорамиз йўқ эди, - дейди Зиёдулло Ибрагимов ўз кўрғазмасида. — Ерга уруғ қадамасак нафақат биз, балки шу ерда тирикчилик қилаётган ўнга яқин оила муайян даромаддан маҳрум бўлиши мумкин эди. Бунга йўл қўлмасдим. Одамлар тақдирига масъулман, ахир.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Аудиторлик хизматининг ҳўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа тadbиркорлар учун фойдали томони шундаки, улар ўз фаолиятини аудитор текширувидан ўтказиб турса, бу борадаги хато ва камчиликларни, аввало, ўзлари аниқлаб олишлари ҳамда уларни тезроқ бартараф этиш имконияти туғилади. Қолаверса, аудиторнинг ижобий ҳулосасига эга бўлган ташкилотни икки йил мобайнида бошқа текширувчи безовта қилмайди.

Мамлакатимизда тadbиркорлик фаолияти тобора ривожланиб бораётгани туйғайли бизда ҳам аудитор хизматиға ақтиёж ортмоқда. Лекин бу хизмат тури фуқароларимиз учун нисбатан янги бўлганлиги сабабли тегишли даражада ривожланмапти. Боз устига, мавжуд аудиторлик ташкилотлари ҳам ҳали кўнгилдаги текширувчи олмапти. Президентимиз ҳақли равишда айтганларидек, «...аудиторлик компаниялари ишлари ибтидий бир ҳолда, пала-партиш олиб борилмоқда».

Мисолларга мурожаат этсак. «ENILTEX» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида «Экспертконсалт» аудиторлик фирмаси билан 500 минг сўмлик хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаға мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилди. 2000 йилнинг май ойида қабул қилинган янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда текширув ўтказилганидан кейин аудитор ҳўжалик юритувчи субъектга аудиторлик хисоботи ва аудиторлик ҳулосасини, шунингдек, аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш ҳақида маслаҳат ва тавсияларини бериши, текширувни амалга оширишда олинган ахборотнинг мафҳийлигига риоя этиши шарт эди. Лекин «Экспертконсалт» буларнинг аксини қилди. Фирма соҳиблари шартномада белгиланган пулни қўлга киритгач, аудиторлик текширувини ниҳоясига етказмасдан, бунинг устига, аниқланган хато ва камчиликларни туман прокуратурасига тақдим этганча, исзис гойиб бўлди.

Ваҳоланки, Қонунда кўзда тутилганидек, «Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида ҳўжалик юритувчи субъектга ва аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда қопланади».

Вазирлар Маҳкамаси аудиторлик ташкилотлари томонидан содир этилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2000 йилнинг сентябр ойида «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилган эди. Унда бу борадаги Қонунни тўла амалга ошириш чора-тadbирлари белгилаб берилди. Айни вақтда фаолият кўрсатётган аудиторлик ташкилотларини ушбу қарорда белгиланган тартибда 2001 йилнинг 1 октябригача қайта рўйхатдан ўтказиш ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун янги намунадаги лицензия берилишини таъминлаш Адлия ҳамда Молия вазирликлари зиммасига юклатилган эди.

Бу борада Адлия вазирлигида қандай ишлар амалга оширилганлигини билиш мақсадида аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан шуғуланувчи бошқармада бўлдик.

- Мамлакатимизда тўлақонли равишда иш олиб бораётган аудитор ташкилотлари бармоқ билан санарли, - дейди бошқарма бошлиғи Носир Абдурахмонов. - Қайта рўйхатга олиш жараёнида мавжуд 717 та аудиторлик ташкилотдан 32 таси қўйилган талабларга жавоб бермаслиги сабабли тугатилди. 364 таси эса рўйхатдан ўтиб, тегишли лицензияга эга бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кунга келиб, мамлакатимизда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун пухта ҳуқуқий замин яратилди. Эндиликда тadbиркорликнинг бу тури билан шуғуланувчилар ўз фаолиятини ана шу ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда олиб боришлари лозим.

(ЎЗА).

Долзарб мавзу

Яна бир мисол: туйлиги, устига-устак кеч экилганлиги боис яхши унинг чикмади. Астойдил қилинган меҳнат эвазига «Юнус» фермер ҳўжалиги эса ўзига ажратиб берилган ер майдонига қарийб йил эса талабга жавоб бермаган доннинг тоннасиға 27 минг сўмдан ҳақ тўлади. Оқибатда фермер ҳўжалиги ностандарт ҳосил учун 199 минг 290 сўм, шартномада кўзда тутилганидан 14 тонна кам маҳсулот берганлиги боис 460 минг сўм зарар кўрди. Адлия идоралари аралашуви билангина фермер ҳўжалигига суньий чеклашлар қўллаган Сайхунобод туман ҳокимининг соҳибқиринбосари Ҳўроз Ашуров ҳамда туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Раҳим Қосимовлар ҳам моддий, ҳам маънавий зарарни тўлаб берадиган бўлишди.


Юртбошимиз кўп бора таъкидлаган куйидаги сўзларни яна бир бор эслатиб қўйишни лозим топдик: Одамзод ҳамма нарсаға чидаши мумкин. Аммо ҳақсизлик, адолатсизликка асло тоқат қилолмайди. Шундай экан, туманда юзага келган аризабозлик, иш юриги ташдаги нуқсонлар қачон барҳам топаркин?

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Республикамиз шифо масканларида

Денгиз сатхидан 850 метр баландликда жойлашган «Паландара» санаторийи Китооб туманидаги табиати гўзал ва хушманзара, иқлими мусаффо даволаш масканларидан бири. Қарийб ўн беш гектар майдонни эгаллаган сихатгоҳда асосан сил касаллиги билан хасталанган беморлар даволаниб, дардларига шифо топмақдалар.

Абдужалил Қайумов 24



ШИРИН СЎЗ ҲАМ ДАВО...

Йилдирки сихатгоҳга раҳбарлик қилаётир. Шифохона бошланғич касаса уюшма қўмитаси раиси, I-тоифали шифокор Рустам Дўстмуродовнинг таъкидлашича, туманлардан келиб даволанаётган беморлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Дори-дармонлар таъминотида узилиш бўлмапти.

Тилди. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш бошланғич касаса уюшма қўмитасининг диққат-марказида. Жумладан, бир неча йил шу санаторийда ишлаган Нурилло Сафаров, Муҳаббат Гапорова ҳамда Мадиҳон Бахриддинов, Нормурод Нисёзов, Назокат Ибрагимова сингари шифокорлар меҳнати муносиб тақдирланди.

Иссиқхона мудирини Болта Раҳимов ҳар туп ниҳолни меҳр билан парвариш қилаётир. «Паландара» ширкат ҳўжалиги етиштирган мевалар ҳам дастурхонни бе-замокда.

С. ШАВКАТОВ.
Суратларда: иссиқхона мудирини Болта Раҳимов; сихатгоҳнинг умумий кўриниши.

Киш мавсумини муваффақиятли ўтказиш мақсадида 600 тонна кўмир захираси яра-

Муаллиф олган суратлар.

БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК УЧУН ПЕНСИЯ Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: Қизимнинг турмуш ўртоғи болаликдан II-гурӯх ногиронлиги бўйича пенсия олиб турарди. Шу йилнинг 30-апрел куни у вафот этди. Қизим бир нафар фарзанди билан қолди. Неварамга 2300 сўм нафақа тайинланди. Шу тўғрими? Қувчимнинг олдинги оиласидан ҳам 2 нафар фарзанди бор эди. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси қандай тартибда ҳисоблаб чиқилади? Олдинги оиласи борлиги пенсия миқдори-га таъсир этадими?

Муҳаббат СУЛТОНҚУЛОВА, Пойарик тумани, Валибек Эргашев кўчаси, 3-уй.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни бўйича вафот этган шахснинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлашда унинг миқдори марҳумнинг олдинги меҳнат стажининг давомийлиги ҳамда ўртача ойлик иш ҳақининг миқдорига боғлиқ бўлади. Шахснинг вафот этган вақтидаги ёшига қараб, белгиланган тартибда иш стажига қилинади. Масалан, қанча ёш бўлса, иш стаж шунча кам талаб қилинади. Чунончи, 23 ёшга қадар 2 йил, 23-26 ёшга қадар 3, 26-31 ёшга 5, 31-36 ёшга 7, 36-41 ёшга қадар 9, 41-46 ёшга 11, 46-51 ёшга 14, 51-56 ёшга қадар 17 йил, 56

ёш ва ундан ошганда 20 йил иш стаж ва ҳоказо. Юқоридаги Қонуннинг 27-моддасида иш стаж учун пенсияларнинг оширилиши белгиланган. Бунга кўра, тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига — боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдоридан оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Қонуннинг 26-моддасида пенсияларнинг таянч миқдорлари белгиланган. Бунга кўра оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун пенсияси ҳисоблаб чиқариш учун олинган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам пенсиянинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши назарда тутилган.

Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия тайинлашда вафот этган шахснинг олдинги оиласида ҳам меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари борлиги пенсия миқдорида салбий таъсир кўрсатмайди. Чунки оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига бир хил умумий пенсия тайинланади ҳамда оила аъзоларининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.



Эшитдингизми, ўқидингизми?

ДОВОН – ҲОКИМ ЭЪТИБОРИДА

Наманган вилояти ҳокими «Вилоятнинг Қамчиқ довоида тезкор кутқарув гуруҳини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда Ўзбекистон Кизил Ярим Ой жамияти ташаббуси билан вилоятнинг Қамчиқ довоида оз бераётган факулда вазиетларда жабрланганларни жамоатчилик кўмагида кутқариш ва уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича дастур ишлаб чиқилганлиги ҳамда мазкур дастур халқаро Очк Жамиятлар институти томонидан 2002 йил 30 сентябрга қадар маблағ билан таъминланиши эътироф этилган.

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎТГАН АНЖУМАН

Файзулла Ҳўжаев туманидаги академик лицейда Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хўна таълими бошқармаси АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда инглиз тилини ўқитишнинг янги усулларини амалга ошириш бўйича махсус семинар ўтказди.

«ГУФИК - АВИЦЕННА»

«Ўзкўргазмасавдо» да ўтказилган республика ярмаркасида «Гуфик - Авиценна» Хиндистон-Ўзбекистон қўшама корхонаси келгуси йил учун 47,5 миллион сўмлик шартнома тузишга эришди.

ҚАРЗ ФОЙДА ҲИСОБИДАН ҚАЙТАРИЛМОҚДА

Навоий вилоятининг чўл ҳудуди ҳисобланган Кошим туманида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида жиддий қадам қўйилди. «Пахтабанд»нинг туман бўлими тадбиркорларга 97 миллион 858 минг сўмлик маблағ ажратди. Шундан 17 миллион 100 минг сўмини «Бизнес» ва «Бандлик» жамғармалари томонидан ажратилган минн кредитлар ташкил қилади. Берилётган амалий ёрдам ҳозирданқ ўзининг натижаларини бера бошлади. Шароф Ачилов номли фермер ҳўжалиги банк кўмаги билан мол туёқ сонини 400 бошга, «Тошбиби» фермер ҳўжалиги эса 382 бошга етказди. Улар олинган фойда ҳисобидан қарзнинг асосий қисмини қайтаришга ҳам улгурдилар. «Зайнаб» хусусий савдо фирмаси яқка тадбиркорларидан Клара Сафарбоева, Шоназар Саидовлар ҳам банк ёрдами билан мустаҳкам оёққа туриб олдилар.

Ялғош САРИБЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Ислоҳот одимлари

татбиқ этиш мумкин. Навоий вилоятида «Навоий-нонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятига тегишли умумий нархи 4 миллиард 469 минг сўмини ташкил этувчи тўртта музлатгич

лар ҳақидаги маълумотлар ҳозирги кунда республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида фаолият юритаётган «Мароқанд» кўп тармоқли ахборот тизимига киритилган. Эндиликда жойлардаги ҳокимликлар билан биргаликда уларни кичик ва ўрта бизнес субъектларини кенг оммага етказиш, бу объектлар ва ускуналарни уларга бериш механизми бора-бора иш олиб бориляпти. Бу ахборотлар эса кўп миқдорда бюджет маблағларини, кредит ресурсларини тежаб қолди, ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйишни таъминлайди.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза муҳбири.

(Боши 1-бетда).

Бу маҳсулотлар қишқировли кунларда дастурхонимизни беэасас, экспорт қилинганда давлатимиз хазинасини бойитса, шубҳасиз, ўзимизга, юртимизга фойда-ку. Лекин ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилётган меванинг 15 фоизи, сабзавотнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларининг 5 фоизи, узумнинг 23 фоизи қайта ишланмоқда, холос. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланган тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожини учун фойдаланилмаётган қанчадан қанча имкониятлар мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Шу маънода, номи зикр этилган ҳақ ва омонор тадбиркорларга берилса, бу ерда ишлаб чиқаришни бемалол

кенг йўлга қўйиш мумкин. Тошкент шаҳри Чилонзор кўчаси, 2-уйда жойлашган «Реле ва автоматика» акциядорлик жамиятининг сатхи 35 минг метр квадрат бўлган биносидан ҳам ҳеч қим фойдаланма-япти. Таассуфки, республикамиз бўйича бундай

лар, юртдошларимизнинг ўзи ёрдамга ошиқса, нур устига аяло нур бўларди. Чунки аниқланаётган бундай объектлар тадбиркорлар палатасида рўйхатга олинмиб, уларни кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига тақсимлаш чоралари кўрилмақда.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

катта майдонни эгаллаган, лекин эгасиз ётган иншоотлар рўйхатини истагидан қадам эътириш мумкин. Лекин бир нарса аниқки, яна-да синчиклаб ўрганилса, бу рўйхат тагин ҳам узайиши табиий. Чунки юқорида тилга олинган рақамлар мутахассисларнинг ҳали биринчи ўрганишда назарига тушган бинолар. Ҳали эътибордан четда қолган, чекка қишлоқлардаги бекор ётган иншоотларни аниқлашда тадбиркор-

Аниқланишича, республика бўйича ўрнатилмаган ва ишлатилмаётган жами 7 минг 14 та ускуна мавжуд. Уларнинг умумий нархи 30 миллиард сўмини ташкил этади. Биргина «Алгоритм» ҳиссадорлик жамиятида 38 хил турдаги, умумий нархи 4,7 миллиард сўмлик ускуналар занг босиб ётибди. Бу ускуналарнинг 47,7 фоизи нисбатан замонавий бўлиб, уларни ишлаб чиқаришга ҳали бемалол

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

«БҮРИ» ТҮРА БҮРАДА ЙҶ

Афғонистондаги аксилтеррорчилик ҳужумлари охирига етмоқда чоги. Толибонларнинг ва «Ал-Қоида» жангариларининг сўнги ишонган истеҳкомлари Тўра-Бўра фатҳ этилди: АҚШ ва Англия махсус хизмат қисмлари уни пуштунлар кўмагида қўлга киритдилар. Сўнги жангларда 200 дан зиёд газандалар ўлдирилди, кўплари асир олинди. 2000 нафар деб тахмин қилинган террорчиларнинг омон қолганлари ўрмон билан қопланган баланд тоғ чўққиларига қочдилар.

НИЯТ — ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШ

Португалия бош вазири Антониу Гутерриш истеъфо бериш ниятида эканлигини маълум қилди. Боиси, у раҳбарлик қилаётган партия ўтган яқин вақтда кўп сўзловларда муваффақиятсизликка учраганидир. Мазкур сайловда муҳолифатдаги Социал-демократлар партияси кўпроқ овоз олди.

АВВАЛ «ТЕМИР ОДАМ»...

Дунё олимлари Зухро, Миррих ҳамда Қуёш тизилмасининг бошқа йўлдошларини кашф қилишни давом эттирмоқдалар. АҚШнинг тадиқот маркази — НАСА мутахассислари бундай кузатувлар учун, энг аввало, тирлик инсонлардан кўра «темир одам»лар — роботлардан фойдаланишни маъқул

ДИАНАНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

Толиблар ва Усама бин Ладдиннинг «Ал-Қоида»си жангарилари Мозори-Шариф шаҳри ташлаб қочганларида Америка махсус хизмати вакиллари сон-саноксиз ҳужжатлар ичидан Англия маликаси — Диананинг 1997 йилдаги автоҳалокатига тааллуқли

ҚОЧОҚЛАР ҚАЙТМОҚДА

Етти мингдан зиёд афғонистонлик қочоқлар Покистондан ватанларига қайтдилар. БМТ уларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Бироқ, «Ньюс» газетасининг ёзишича, қочоқлар

ҲИБСХОНАДАГИ ФОЖЕА

Парагвайдаги ҳибсхоналарнинг бирида катта ёнгин чиқди. Уни назорат остида бўлган маҳбуслар шароитларидан норозилик маъносидан ташкил қилган эдилар. Аммо, оқибат фожеалироқ тугади. Маҳбуслардан 25 киши ҳалок бўлди, 200 нафардан ортиқроғи турли даражада жароҳат олди. Парагвай маъмурилари мамлакатдаги ҳибсхоналарни қаттиқроқ қўриқлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиладилар.

«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Саховат

ҚАРИЯЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТ

фарзандлари асло кам бўлмас

Ҳа, қайси элда кексалар эъзозланса, уларнинг ҳурмати жойига қўйилиб, дуоси олинса, ўша мамлакатда осойишталик, барқарорлик бўлади. Беадад шўқрлар бўлсинки, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш руҳи сингирилган халқ фарзандларимиз. Аждодалар удумининг давом эттириш учун, уни келгуси авлодларимизга қолдириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Шуниси қувонарлики, мустақил республикамизда ёши улуг ватандошларимизга ғам-ҳўрлик йилдан-йилга кучаймоқда. Шунинг давоми сифатида «2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили», деб эълон қилинди. Биз ҳам хайрли бу ташаббусдан ибрат олиб Ҳайит байрами муносабати билан жамиятимизда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ҳозирда эса кексалик гаштини сураётган 53 нафар қарияга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатдик. Хамир учидан патир, деганларидек, бу 2002 йилда амалга оширмоқчи бўлган эзгу ишларимизнинг дебосчасидир.

Кўпнинг дуоси кўл, деб бежиз айтишмаган. Одамлар раҳматини эшитиб, меҳнат қилганга нима етсин. Туманимизда 150 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Тасаруфимиздаги 78 та ва 20 дан ортиқ фирма дўконлари уларга беминнат хизмат кўрсатишади. Ўтган йилнинг 11 ойида аҳолига кўрсатилган савдо хизмати 1 миллиард 280 миллион сўмдан ошди. Шу даврга белгиланган режа 138 фоизни ташкил этди. Ёки 2000 йилга таққослаганда 171 фоизга кўтарилди. Тўққиз ойида олинган соф фойда эса 31 миллион сўмга етди. Харидорларга зарур бўлган маҳсулотлар пештахталардан аримаётганлиги учун ҳам шундай юксалишга эришмоқдамиз.

Даромадимиз ортгани сари ижтимоий ҳимоя учун кўпроқ маблағ ажратяпмиз. Тумандаги кўзи очизлар жамияти, мактаб ва битта болалар боғчасини оталиққа олганмиз. Байрамларда улар ҳолидан хабар олиб, совға-саломлар топшираемиз. Биноларни таъмирлашда ҳам ўз кўмагимизни аямаяпмиз. Матбуот нашрларига маблағ ўтказиб беришни ҳам ўз зиммамизга олганмиз.

«Оналар ва болалар йили»ни муносиб яқунлаётганимиздан, айниқса, мамнунмиз. Жумладан, 6 нафар аёл сихатгоҳларга бориб, ўз саломатлигини тиклаб қайтди. 20 нафардан зиёд ўғил-қиз эса ёзги оромгоҳларда дам олдирилди. Умуман бу ишлар учун 11 ойида 2 миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

Эзгу мақсад йўлида яна бир ишни бошладик. Туманимиздаги шифохона, болалар боғчаларини ўзимиз гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш ниятида бўрдоқчилик фермасини ташкил этдик. Ҳозир у ерда 50 бош қорамол парваришляпяпти. 2002 йилда озуқа етиштириш учун ер олиб, моллар бош сонини 100 тага, шундан соғин сигирларни 25 тага етказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўшма корхона очишни мўлжаллаб турибмиз. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. «Халқобод» кўрғонда эса замонавий дўкон биносини қуришни бошлаб юбордик.

Ҳар бир жамоанинг фахри, илғорлари бўлганидек, бизда ҳам шундай ҳурматга сазовор инсонлар анчагина. Ўз касбининг фидойилари Иброҳим Қуролов, Бахтиёр Усмоналиев, Елена Детинова, Турғуной Ҳасанова, Муборак Нурматовалар номини ҳар қанча ҳурмат билан тилга олса арзийди.

Зоиджон УСТАБОБОВ, «Янгийўлматлуботсавдо» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

Назм

ГУЛИНГИР МУРУВВАТ,
ТИКОННИНГ МАЛХАМ

О, маним Ватаним, жоним Ватаним!

Боғларинг азиздир, саҳроларинг ҳам,
Қадим чашмаларнинг раҳмати азиз,
Гулингдир мурувват, тиконинг малҳам,
Қаттиқ кунларингнинг заҳмати азиз.

Оналар кўз ёши, мардлар қони-ла
Покланган тупроғинг азиз, мунаввар,
Этмиш не-не улуг зотларинг хоки
Бу тупроқ заррасин зарга баробар.

Лутфулло МАХМУД.

СЕН КЕЛДИНИ...

Сенсиз юрагимга сиймайди дунё,
Тонгларда шуқуқ йўқ, кунлар зим-зиё.
Юракни тарк этмас рутубат-булут,
Ҳатто ним табассум бўлгандай унут.
Қанча фурсат ўтди: юз йил ё минг йил,
Тошларга айлиб кетди-ёв кўнгили.
Сен келдинг баҳордай нурларга тўлиб,
Мен сенга талпиндим бойчечак бўлиб.
Мен сени қўшим десам бўлади,
Мен сенинг осмонинг бўлгим келади.

Минсанг кимнинг аравасига
Кўшигин ҳам айтурсан унинг.
Бу қадим ҳикматга нима ҳам дердим.
Толемиде бўлса-ю агар,
Йўлга чиқар бўлсам ҳар қачон
Энг аввал арава ясаб олардим.

Рустам ҚУРБОНОВ.



КЎЗ — КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

— Кўзлар нафақат нур булоғи, балки кўнгили
кўзгуси, акл чироғидир, — дейди кўз касалликлар
рени даволаш шифокори Қобилжон Гофуров. —
Доналаримиз одамнинг кўзига қараб қалбини,
акл-тафаккурини билиб олганлар. Чунки инсон-
нинг вужудидаги барча ҳолатлар унинг кўзлари-
да акс этади.

Қобилжон Гофуров билим ва тахрибасини эзгу ишга сарф этаётганлардан. У Фаргона шаҳридаги кўз касалликлари шифохонасининг жарроҳлик бўлимида ишлайди. Маълумки, кейинги пайларда одамлар ўртасида кўз гавҳарининг лойқаланиши, парда тушиши ҳамда катаракта касаллиги кўпайиши кузатилмоқда. Тиниб-тинчимас шифокор одамларга янада малакалироқ тиббий хизмат кўрсатиш, улар дардида малҳам бўлиш ниятида Фаргона шаҳрида кўзга юмшоқ контакт линза қўйиш марказини ташкил этди. Бу шифо масканида катаракта касаллигини даволаш ҳамда кўзга сунъий гавҳар қўйиш муваффа-

қиятли амалга оширилмайди.
Фаргоналиклар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, малакали хизмат кўрсатувчи шифо масканининг фаолиятидан бениҳоя мамнун бўлмоқдалар.

Суратда: юкори малакали кўз шифокори Қобилжон Гофуров ва ҳамшира Робияхон Гофурова беморни тиббий кўриқдан ўтказаятган пайт.

М.ҚОДИРОВ олган сурат.

ТУҲФА

Байрамлар арафасида савдо ярмаркалари уюштириш яхши анъанага айланган. Тошкент вилояти деҳқонлари 20 декабрдан 31 декабргача пойтахтнинг Юнусобод ва Бектемир туманларида савдо ярмаркалари ўтказилади. Улар 11 кун мобайнида шаҳарликлар дастурхонига қарийб 100 тоннага яқин картошка, 320 тонна сабзавот, 150 тоннадан ортикмева, узум ҳамда 70 тоннага яқин полиз маҳсулотлари etkazиб беради.

... Бу нусханинг кўча-қўйда башанг кийиниб, ўзини тўтишларию, бел ушлаб туришларини кўрган киши мансабдорроқ одам бўлса керак деб, ўзини четга олиши тайин. Унинг лавозимлариям анчагина — ҳужжатига Тошкент шаҳар «Тинчлик жоме масжидининг имом хатиби» деб ёзилган, иккинчисиде республика Ички ишлар вазирлиги «коррупцияга қарши кураш бош бошқармаси катта оператив вакили» эканлиги кўрсатилган. Бошқа бир қоғозда Бишкек шаҳридаги энг катта бозорда ишловчи масъул ходим. Тўртинчи ҳужжат-да эса... Хуллас, бир-бирига елимласа ҳам ёпишмайдиган амаллар.

Қилмиш-қидирмиш

ридаги «қама-қама»ларни кўп кўрган, порахўрликлар ҳақида кўп эшитиб, «юрак олдириб» қўйганлардан эди. Шунинг учун ҳам қалт-қалт титраб ўтирарди. — Бўлмаса пулни чиқаринг буёққа! — «оператив ходим» худди қарзи-

га ҳасрат қилаётганида, Бекзод Рўзиев янги ўлжа қидириб, Фаргонага йўл олганди. Лекин ҳақиқий оператив ходимлар товламачининг «ов»ини давом эттиришига йўл қўйишмади.

Тергов ва суд жараёни Бекзод Рўзиевнинг асл башарасини очиб ташлади. Чирчиқ шаҳар 4-кичик даҳа, 29-уйда рўйхатда туриб, Тошкент шаҳрида яшаб келган бу «учар» ҳалол меҳнатдан бўйин товлаб, содда кишиларни чув тушириш ҳисобига тирикчилик ўтказиб келган. У илгарти ҳам қонунбузарлиги учун судланган эди.

Бирок бизни бошқа бир нарса ўйлантиради: баъзи кишилар Б. Рўзиев сингари шахсларнинг қаёқдан пайдо бўлаётганига ҳайрон бўлиб юрадилар-у, аммо содда кишилар бор жойда фарибгар ҳам пайдо бўлишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Акс ҳолда, йил бўйи тер тўкиб, яратган ҳосилини не умидлар билан бозорга олиб келган Юсуфжон Қосимов сал бўлмаса «чув» тушиб қолармиди! Яна бир жиҳати, агар у ўз ҳақхуққини, қонунни яхши билганида, Б.Рўзиевни бозордаёқ фош этиб, унинг ўзини милицияга топширган бўларди. Ким нима деса, чиппачин ишониб, унинг тўрига осонгина илинадиганларнинг ҳамон орамизда борлиги ачинасан киши.

М.ХАСАНОВ,
Андижон шаҳар суди раиси.
М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ҚАМАТИБ ЮБОРАЙМИ?

— дея дўқ урди ва ўзи қамалиб кетди

Бугун у Андижонда пайдо бўлган. Бу ердан бой бўлиб қайтиш унинг асосий режаси. Шу сабабли шаҳарнинг Янги бозоридаги овлоқроқ жойда пайт пойлаб турибди. Бугун ким тўрига илинакин, ким нима иш билан машғул? Ху ана, ёши улугроқ деҳқон пештахтанинг бир қисмини банд қилиб ўтирган йигит билан бор-барака қилишяпти. Савдо пишди шекилли бир неча қоп ерэнгоқни олган йигит даста-даста пулдан деҳқонга тутқади. Деҳқон бўш қолларни қўлтиққа уриб, бир чеккага ўтди ва пулларини санашга тушди. Пуллари орасида сўм ҳам, доллар ҳам, рубл ҳам кўзга яққол ташланиб турарди.

— Мени таниб қўйинглар! — деди Бекзод милиция ходимларига ҳам қўлидаги ҳужжатни пеш қилиб, — бу бобой валютчик экан. Ўз кўзим билан кўрдим, валюта олди-соттиси билан шуғулланаётганими! Хавфли жиноятчи! Ўзим ички ишлар бошқармасига топшираман.

«Хавфли жиноятчи» ҳаш-паш дегунча ўзини машина ичида кўрди. Бекзод машинани вилоят ички ишлар бошқармаси яқинида тўхтатди. — Қаматиб юборайми?

— Ҳой, укажон, «валютчик» деганингизни тушунмадим-у, лекин ҳеч бир гуноҳ иш қилганим йўқ. Бозорга ерэнгоқ келтириб сотдим, холос. Ўзим етиштирганман.

— Э, бошни оғритманг! — у шундай деб, чўнтагиндан уяли телефонни олиб, номер терганин билди... «Олиб кирарайми? Хўп-хўп...»

— Бунди кўриб Бекзод Рўзиевнинг сабри чидамади. Ҳужжатлари орасидан «оператив ходим» визиткасини кўлга олди-да, деҳқонга яқинлашди: — Қани, бобой, юринг буёққа!

— Ие, кимсиз ўзи? Каёққа боришим керак? У визиткани қариянинг кўзига ниқтаб, дағдаға қилди: — Билдингизми кимлигимни?! Хуқуқни му-

хофаза қилиш бўйича энг юкори органнинг оператив вакилиман! Юринг буёққа.

Хуқуқни мухофаза қилиш бўйича энг юкори органнинг оператив вакилиман! Юринг буёққа.

ни ундираётгандек дўқ урди. — Тезроқ! Қутилиб кетиш нияти борми ўзи сизда ё йўқми?!

Деҳқон апил-тапил ёнидаги бор пулни чиқарди. Бекзод ҳам ўшандай шошиб, сўм, доллар, рублларни бўлак-бўлак ажратди-да, ҳаммасини машина бардачоғига солиб қўйди.

— Энди жўнанг тезроқ! Туя кўрдингми — йўқ!

— Инсоф қилинг, ука, уйга етиб олишгаям пулим қолмади.

Бекзод худди ёнидан бераётгандай бир даста сўмини «бобой»нинг қўлига тутқади ва жеркиб ташлади:

— Қамокдан қутилиб қолаётганингизга шукур қилсангиз-чи! Йўқолинг! Кўзимга кўринманг!

Деҳқон юз минг сўмлик пулдан атиги ўн минг сўмга эга бўлиб йилгаддек ҳолга тушаркан, ўзича ўйларди: «Нимадан кўриб, шунча пулни ўз қўлим билан бериб қўйдим? Ҳақиқатан ҳам ички ишлар идорасининг ходими бўлса, нега ичкарига олиб кирмади? Нега шунча пулни олиб, бирор энлик қоғоз ёзиб бермади! Қипқизил фарибгарнинг қўлига тушдим шекилли-ёв!»

У шу фикр асосида чинакам милиция ходимининг уйда рўй берган ёнғинни олиб қўрайлик. Бу ерда печ мўрисининг носозлигидан ёнғин чиқади ва хонадон соҳибларига сезиларли микдорда моддий талофат етказилади.

Сариосиё туманидаги «Дашнобод» ширкат ҳўжалигида яшовчи А.Дўсановнинг молхонаси қандай қилиб ёниб кетди, деб ўйларсиз. Эрактой болалар олов билан шунчаки ўйнаб ўтиришган. Уйиндан ўт чиқиб, ҳас-хаша бор молхонага гуриллаганга ўт туташади. Шўх болаларининг бу «ҳазили» А.Дўсановга арзонга тушгани йўқ. Тахлил ва хулосаларимиз яна бир қарра исботламоқдаки, ёнғинлар асосан тўртта омилга кўра содир бўлаётган Биринчиси, печ мўриларини носозлиги, иккинчиси, электр, газ ускуналарининг ишлатишга яроқсизлиги, учинчиси, болаларнинг олов билан, гургут билан ўйнаб ўтиришлари ва ниҳоят, тўртинчиси, одамларнинг гофиллик, лоқайдлиги туфайли ёнғин ҳодисалари юзага келмоқда.

Биласизми?

ОТЛАР «ТИЛИ»

Таниқли инглиз гипнолог (гипнология — от ва уни боқиш, парвариш қилиш ҳақидаги фан) Ж.Блэйк олиб борган изланишлар кутилган натижани берди. Унинг «Отлар дунёси» деган журналда босилган мақолада бундай дейилади: «Мен 20 йил мобайнида отларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, синчиклаб ўрганиб, уларнинг бир-бирлари билан «гаплашадиган» 100 хил сигнал ва товушларини аниқладим».

У шу соҳада тадқиқот олиб бораётган бошқа мутахассисларни ҳам отлар «тили»нинг маъносини ечишга даъват қилади.

«ДАЛА МАЛИКАСИ» САРГУЗАШТИ

«Дала маликаси» деб ном олган маккажўхори дастлабки вақтларда хушқомат, барглари кўм-кўк бўлгани учун, манзарали ўсимлик сифатида ўстириб қўрилган. Кейинчалик бу ўсимликни экиб, кўкартириш энг миришкор деҳқонларга топширилди.

Кўп вақт ўтмай маккажўхори ўзининг ҳосилдор, сёрдаромад, саҳий экин эканлигини исботлади. Маккажўхори дастлаб «Турк бугдойи» деб аталди. Кейинчалик эса «Маис» деб ном олди ва тезлик билан бошқа мамлакатларга тарқала бошлади.

Маккажўхори Испаниядан Португалия, Италия, Туркия мамлакатларига ҳамда Африканинг деҳқончилик қилинадиган худудларига тарқалди. XVI асрнинг охириларига келиб эса Хитойда экила бошлади.

Тадқиқотчилар берган маълумотларга қараганда, 300 йил деганда маккажўхорининг «пойқадами» дунёнинг барча мамлакатларига теғди. Унинг кўпгина янги турлари вужудга келди.

А.АЛИЕВ.



Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида Сурхондарё вилояти турли сабаблар билан вужудга келган ёнғинлардан қарийб 17 миллион сўмлик моддий зиён кўрди.

Тилсиз ёв саккиз нафар одамнинг бемавруд ўлимига ва 73 нафар кишининг турли даражада тан жароҳати олишига сабабчи бўлди. Шунингдек 5 та турар-жой, 12 бош қорамол, 2 та автомашина ёниб кетди.

Ўн бир ойда рўй берган 691 та ёнғиннинг 191 таси электр ускуналари, 171 таси иситиш ускуналари носозлигидан, 182 таси оловга эҳтиётсизликдан 128 таси эса болаларнинг ўт билан ўйнашлари оқибатидир.

— Ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошлангандан бери 35 минг 192 та аҳоли турар-жойини, 627 та қорхона, ташкилот, муассасани текширишдан ўтказдик, — деди вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички ишлар хизмати майори Баҳодир Чориев «Туркистон-пресс»

муҳбирига. — Текширишлар чоғида бир қатор нуқсонларга ҳам дуч келдик. Қарор чиқариб 155 та қорхона ва ташкилот иш фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйдик. Шу кунга қадар вилоят ва туман, шаҳар

ҒАФЛАТНИНГ БИР ЛАҲЗАСИ

ёхуд қимматга тушаётган ёнғинлар

ҳокимликлари қошидан ёнғин хавфсизлиги ойлигида суғат қатнашганлиги, камчиликни йўл қўйганлиги учун Узун туманидаги 316-ХМКТ қорхонаси бошлиғи Ч.Хўжамқулов огоҳлантирилди. Қизирқ туман йўл қурилиш бошқармаси бошлиғи Б.Чаққонов, «Шеробдосавдо» хиссадорлик жамияти раиси С.Расулов, Шеробод туман халқ банки

бошлиғи У.Холмирзаевларга нисбатан интизомий қоралар кўрилди. — Ўйлайманки, эси бор одам вақтида этагини ёпади. Кўпчиликнинг ичида йўл қўйган хато-камчиликлар учун даққи эшитган, жарима

нинг уйда рўй берган ёнғинни олиб қўрайлик. Бу ерда печ мўрисининг носозлигидан ёнғин чиқади ва хонадон соҳибларига сезиларли микдорда моддий талофат етказилади.

Сариосиё туманидаги «Дашнобод» ширкат ҳўжалигида яшовчи А.Дўсановнинг молхонаси қандай қилиб ёниб кетди, деб ўйларсиз. Эрактой болалар олов билан шунчаки ўйнаб ўтиришган. Уйиндан ўт чиқиб, ҳас-хаша бор молхонага гуриллаганга ўт туташади. Шўх болаларининг бу «ҳазили» А.Дўсановга арзонга тушгани йўқ. Тахлил ва хулосаларимиз яна бир қарра исботламоқдаки, ёнғинлар асосан тўртта омилга кўра содир бўлаётган Биринчиси, печ мўриларини носозлиги, иккинчиси, электр, газ ускуналарининг ишлатишга яроқсизлиги, учинчиси, болаларнинг олов билан, гургут билан ўйнаб ўтиришлари ва ниҳоят, тўртинчиси, одамларнинг гофиллик, лоқайдлиги туфайли ёнғин ҳодисалари юзага келмоқда.

тўлашга мажбур бўлган одам ҳам обрў-иззатининг қолганини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилади.

Тахлил ва кузатишларимиз шунинг кўрсатмоқдаки, ёнғинларнинг вужудга келишидаги сабаблар бир-бирига жуда ўхшайди. Масалан, Шеробод туманидаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини худудида истиқомат қилувчи О.Назаров-

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Масъулият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.